# ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

Совет раҳбарлари 29 май куни Катта Кремль саройида Италия Министрлар Советининг Раиси Б. Кракси шарафига зиёфат бердилар.

Б. Кракси билан бирга сафарда унга ҳамроҳ бўлиб келган ташқи ишлар министри Ж. Андреотти, Италиянинг бошқа давлат арбоблари ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда М. С. Горбачев, Н. А. Тихонов, А. А. Громико, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар бор эдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев зиёфатда нутқ сўзлади.

## М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Ҳурматли Министрлар Совети Раиси жаноблари!

Муҳтарама Кракси хоним!

Италиялик ҳурматли меҳмонлар!

Ўртоқлар!

Ҳурматли Кракси жаноблари, Сиз Италия ҳукумати бошлиғи сифатида мамлакатимизга биринчи марта келганлигингиз учун ҳам Москвада Сизни қувонч билан табриклаймиз. Совет Иттифоқига қилган визитингиз, шубҳасиз, ҳар иккала томон Совет-Италия сиёсий мулоқотларини янада кучайтириш истагида эканлигининг кўрсаткичидир. СССР билан Италия ўртасида турли соҳаларда ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилганлигини ва бу алоқалар дуруст ривожланиб бораётганлигини қадрлаймиз.

Илгари неча марталаб Ғарбий Европада айни Италия давлат арбоблари узоқни кўра билиб ва вазминлик билан ёндошиб, Ғарб билан Шарқ ўртасидаги муносабатларни яхшилашга қаратилган жиддий ташаббусларнинг тарафдорлари бўлиб чиқишган эдилар. Савдо-иқтисодий соҳадаги ўзининг дадиллиги ва омилкорлиги билан ажралиб турган катта ишлар ҳам бизда унутилгани йўқ. Волга бўйидаги Тольятти шаҳрида барпо этилган жуда катта завод ҳозирда ҳам ана шу ишларнинг рамзи бўлиб қолмоқда.

СССР билан Италия ўртасида баъзи муҳим халқаро проблемалар юзасидан тафовутлар борлигига биз ҳам, сизлар ҳам кўз юмаётганимиз йўқ. Бироқ иккала томон амалий мулоқотни йўлга қўйишга, ҳозирги хатарли кескинликни камайтиришга олиб борадиган йўлларни биргаликда излашга интилаётганлиги яққол кўриниб турганлиги муҳимдир.

Бунга эса зарурат бор. Дунё оғир пайтларни бошидан кечирмоқда. 70 йилларда кўпгина мамлакатларнинг куч-ғайратлари туфайли халқаро муносабатларда авж олиб кетган ижобий ўзгаришлар жараёнига халқлар ҳаққоний равишда умид боғлаган эдилар, бу умид биз неча марталаб айтиб ўтган сабабларга кўра оқланмади. Бу жараён ўрнини муҳолифлик эгаллади, унинг психологияси бусиз ҳам жуда авж олиб кетган қуролланиш пойгасини кучайтирмоқда. Ўз навбатида таркиб топган ҳарбий-стратегик мувозанатни бузиш мақсадида қурол-яроғларнинг кўпайтирилиши баъзи жойларда ташқи сиёсатдаги агрессив методлар ва усулларга хатарли мойилликни вужудга келтирмоқда. Муҳолифлик — қуролланиш пойгаси — муҳолифлик каби иллатли ҳалқани узиб ташлаш мумкин ва лозим. Инсоният цивилизациясининг бундан бошқа йўли мутлақо йўқ.

Италиядагилар ва, албатта, Италиядан бошқа жойдагилар ҳам Совет Иттифоқининг сиёсатидан кўнгиллари тўқ бўлиши мумкин. Тинчлик ва озодлик шароитида яшаш ҳуқуқига оғир қурбонлар бериб эришган халқимиз бутун кучини тинч бунёдкорлик қурилишига, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, турмушнинг моддий ва маданий даражасини оширишга сарфламоқда.

Бу ҳақда шунинг учун гапирмоқдаманки, Совет Иттифоқининг тинчликка бўлган интилиши ижтимоий тузумимиз моҳиятининг ўзи билан, дунёқарашимиз, ахлоқимиз билан белгиланишини таъкидлаб, 70-йилларда турли ижтимоий тузумларга, турли ҳарбий-сиёсий иттифоқларга мансуб давлатлар тинч ҳамкорлигининг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий-психологик жиҳатдан яхши негизларини яратишга муваффақ бўлинганлиги учун ҳам ўшанда тўпланган тажрибага фикран қайтмоқдамиз. Биз кескинликни юмшатиш руҳини, муҳити ва моҳиятини тиклашни яна шунинг учун ҳам истамоқдамизки, халқаро ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликнинг ишончли системаси сари янада олға бориш ниятидамиз. Истасангиз, бунда сифат жиҳатидан сакраш қилиш зарур.

Женевада иккинчи давраси эртага бошланадиган Совет-Америка музокараларида Совет Иттифоқи ўзаро мақбул қарорларни амалий равишда қидириб топишга тайёрдир. Афсуски, биз ҳозирча музокарадошимизнинг худди шундай тайёрлигини сезмаяпмиз. АҚШ янги классдаги қурол — зарбдор космик қуролларни яратиш режаларини ҳар қандай қилиб бўлса ҳам амалга оширишни истаётганлигидан кўп нарса далолат бериб турибди. Женева музокараларини барбод этишгина эмас, шу билан бирга қуролланиш пойгасини тўхтатиш истиқболининг ўзини йўққа чиқариш ҳам шундай ишлардан бўлиши мумкин-ку, ахир.

Биз, Совет Иттифоқидагилар, бошқа мантиққа амал қиламиз. Инсониятнинг умумий мулки бўлган космос ҳарбий рақобат майдонига айланмаслиги керак. Космос ҳарбийлаштирилмаса стратегик ядро қуролларини ҳам, шунингдек Европада ўртача олислик ядровий воситаларини ҳам тубдан қисқартириш мумкин.

Европада ўртача олислик ядровий воситалари тўғрисидаги масала фикрлашувларимизда алоҳида ўрин олаётганлиги тушунарли. Бу масалада биз жуда илгарилаб кетишга тайёр эканлигимизни ғоят аниқ қилиб таъкидламоқчиман. Биз шу хусусда илгари қилган таклифлар ҳозир ҳам ўз кучида қолмоқда.

Ана шу таклифларнинг амалга оширилиши Европада ўртача олислик ракеталари бўйича СССР ва АҚШ ўртасида эҳтимол тутилган барча даражалардан энг паст — нуль даража ўрнатилишига олиб келган бўлур эди. Бизнинг Европа зонасида қолаётган ўртача олислик ракеталарига келганда шуни айтиш кераки, биз ракеталарнинг ўзи жиҳатидан ҳам, портловчи каллаклар жиҳатидан ҳам французлар билан инглизлар эга бўлганидан сира ҳам ортиқча миқдорга эга бўлмас эдик. Қисқартириладиган ракеталарни биз уларни бирон жойга кўчирмай йўқ қилишга тайёрмиз.

Шуни ҳам эслатиб ўтаманки, Совет Иттифоқи аллақачон айтган эди: Европада ядро қуролларини чеклаш тўғрисидаги битимга эришилган ва у кучга кирган тақдирда СССРнинг шарқий районларида СС-20 ракеталарини жойлаштириш ҳам тўхтатилади. Бунинг учун Осиё регионидаги стратегик вазиятда муҳим ўзгаришлар содир бўлмаслиги шарт. Биз буни ҳозир ҳам таъкидлаймиз.

Европага келганда, биз қайта-қайта айтамизки, СССР ҳаммадан кўпроқ шу қитъанинг ўртача олислик ядро қуролидан ҳам, тактик ядро қуролидан ҳам батамом холи этилишини истарди. Яъни СССР Европадаги нишонларни яксон этиш учун мўлжалланган қуролдан холи бўлишини истайди. СССР бунга аллақачон тайёр, аммо НАТО мамлакатлари ўзларини бизнинг таклифимизни эшитмаётгандек қилиб кўрсатишни афзал билмоқдалар.

Қуролланиш пойгасини орқага буриб юбориш учун аввало уни тўхтатиш зарурлигини энг оддий мантиқ айтиб турибди. Совет Иттифоқи қурол-яроғларни қисқартиришга ўтишни айни енгиллаштириш мақсадида Женевадаги Совет-Америка музокаралари вақтида зарбдор космик қуролларни, стратегик ҳужум қуролларини, ўртача олислик ядровий воситаларини яратмай туришни таклиф қилди. Ишнинг яхши бошланиши сифатида биз ўзимизнинг Европадаги ўртача олислик воситаларимизни жойлаштиришни ноябрь ойигача ихтиёрий равишда тўхтатиб қўйдик. Биз бошқа томоннинг бу ташаббусга Европада ядровий қарама-қарши туриш даражасини пасайтириш вазифасини ҳал этишга кўмаклашадиган жавоб қайтаришини ҳамон кутмоқдамиз.

Айтилган гапларни хулоса қилиб шуни таъкидламоқчиманки, Совет Иттифоқининг равшан, конкрет ва олисни кўзловчи таклифларини амалга ошириш Европадаги, қолаверса бутун дунёдаги вазиятни яхшилик сари сўзсиз тубдан ўзгартириб юборган бўлур эди. Зотан биз бошқа давлатлар билан бир қаторда Италия ҳам воқеаларнинг шундай бурилишига талай даражада кўмаклаша олишига аминмиз.

Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш мавзусини давом эттириб шуни айтмоқчиманки, Стокгольмдаги конференция ишига ёндашувда бизнинг Италия билан муайян яқинлигимиз бор деса бўлади. Биз у ерда музокараларнинг моҳият эътибори билан тезроқ бошланиши, тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқилиши тарафдоримиз. Афтидан сиёсий соҳадаги катта-катта тадбирларни ҳарбий соҳада ўзаро мақбул конкрет ишонч тадбирлари билан боғлайдиган аҳдномани дадилроқ излаш лозим.

Умумевропа кенгаши Хельсинки Якунловчи акти имзоланганлигининг шу йил 1 августда тўладиган ўн йиллиги бизнинг фикримизча, кескинликни юмшатиш жараёнини тиклаш ва чуқурлаштириш белгиси остида ўтиши керак. Кескинликни юмшатиш руҳи билан суғорилган мазкур ҳужжатнинг тарихий аҳамияти унда қатнашган давлатларнинг биргаликдаги ҳаракати билан тасдиқланиши лозим. Европадаги территориал-сиёсий реалликларни қандай баҳоналар билан бўлмасин бузиш йўлидаги уринишларга эса қатъиян чек қўйиш керак, албатта. Европанинг айни урушдан кейинги тузилиши қитъанинг қирқ йил тинчлигини таъминлаганлигини назардан қочириш кечирилмайдиган енгилтаклик бўлур эди.

Европа ишларининг яна бир жиҳатига тўхталиб ўтаман. Европа — ҳар хил кўп томонлама ташкилотлар мавжуд бўлган қитъадир. Ана шу ташкилотларнинг ҳар бири ўзининг талайгина тажрибасини тўплаган бўлиб, жаҳон экономикасида ҳам, халқаро сиёсатда ҳам муайян роль ўйнамоқда. Мен аввало Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши билан Европа иқтисодий ҳамжамиятини назарда тутмоқдаман. Улар ўртасида иқтисодий ишларда ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйиш пайти келди деб ўйлайман. Европа иқтисодий ҳамжамияти мамлакатлари «сиёсий бирлик» сифатида иш кўраётган даражада биз у билан конкрет халқаро проблемалар юзасидан умумий тил топишга тайёрмиз.

Министрлар Советининг Раиси жаноблари! Бугунги суҳбатимиз чоғида биз умумий халқаро аҳволга назар ташлагандек бўлиб, хоҳ Ўрта денгиз районида ёки Марказий Америкада бўлмасин дунёдаги мавжуд ўткир кескинлик манбаларини тилга олмай ўтмаслигимиз мумкин эмаслиги мутлақо табиийдир. Бунда Совет Иттифоқи билан Италиянинг ёндашувларида муайян ўхшашлик вужудга келган деб ўйлайман. Ана шу хатарли манбалар сиёсий воситалар билан тугатилиши лозим. Биз позицияларни яқинлаштиришни давом эттириш, регионлардаги муаммоларни музокаралар столи атрофида бартараф этиш йўлларини қидириб топишга активроқ кўмаклашиш, тазйиққа ва ўз ички ишларига қўпол аралашувга дучор бўлаётган давлатлар ҳамда халқларнинг суверен ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тарафдоримиз.

Совет Иттифоқи билан Италия ўртасидаги муносабатлар яхшигина ҳуқуқий негизга эга. Ўтган ўн йиллар мобайнида масалан, маслаҳатлашувлар тўғрисида 1972 йилги протокол, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳасидаги бир қанча икки томонлама ҳужжатлар каби ҳамкорлик механизмлари ва воситалари пишиқтирилди. Ана шу воситалардан иккала томон учун ҳамда барча халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун наф келтириб, яна ҳам самаралироқ фойдаланишни ўрганиб олиш мумкин бўлса керак. Биз шундай куч-ғайрат сарфлашда қатнашишга тайёрмиз. Шу жиҳатдан биз Совет Иттифоқига қилган визитингиз, ўртамизда бўлиб ўтган сермазмун фикрлашувлар муносабати билан яна бир бор мамнуният изҳор қиламиз.

Совет халқи билан италиян халқи ўртасида қадимий ўзаро ҳурмат ва хайриҳохлик туйғуларига асосланиб, баравар куч-ғайрат сарфлаб, биз Совет — Италия муносабатларини янада ривожлантириш учун ҳали кўпгина фойдали иш қила олишимизга аминман.

Министрлар Совети Раиси жаноблари, Сизга, сизнинг муҳтарама рафиқангизга, ташқи ишлар министри Андреотти жанобларига ва италиялик барча меҳмонларимизга сиҳат-саломатлик ҳамда омон-эсонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Совет — Италия муносабатлари халқларимиз бахтсаодати ва ер юзида тинчлик иши манфаатлари йўлида мустаҳкамланиб, ривожланаберсин!

* * *

Б. Кракси жавоб нутқи сўзлади.

## Б. КРАКСИ нутқи

Бош секретарь жаноблари,

Менга ва рафиқамга, ташқи ишлар министри Андреоттига ва Италия делегациясига кўрсатилган дўстона иззат-икром учун Сизга астойдил ташаккур айтаман. Менинг мамлакатимга изҳор этаётган дўстлик туйғулари учун, Италия ҳукумати Европада ва дунёда тинчликни ҳимоя қилиш ишида ўйнаётган ролга берилаётган эътибор учун Сизга ташаккур айтаман. Сизнинг улуғ мамлакатингизга биринчи бор келганимдан кейин орадан 27 йил ўтгач, яна Москвада турганимдан жуда хурсандман ва бу гал алоҳида ва зўр қизиқиш билан сафар қилаётганимни Сизга айтмоқчиман. Бу визит менга аввало халқаро муносабатлар соҳасида Италияни илҳомлантираётган дўстлик туйғуларини ҳамда самимий ва тинч ҳамкорлик қилиш истагини совет раҳбарларига шахсан айтиш имкониятини беради. Бу истак Совет Иттифоқи халқи билан ҳукуматига ҳам қаратилган истакдир, биз Совет Иттифоқи халқи ва ҳукумати билан муносабатларнинг бутун комплекси турли соҳаларидаги аҳдномаларни ҳамжиҳатлик, ўзаро манфаатдорлик ва имкони борича кўпроқ ўзаро ҳурмат муҳитида мустаҳкамлашни хоҳлаймиз. Италия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг муттасил ривожланиши келгусида ҳам тинчлик манфаатларига, кескинликни юмшатишга ва халқаро барқарорликка хизмат қилишига аминман.

Очиғини айтсам, мен Сиз билан шахсан танишишни, инсониятнинг олий манфаатларига бевосита дахлдор бўлган ғоят муҳим масалалар хусусидаги фикр ва таассуротларни Сиз билан ва СССР ҳукуматининг аъзолари билан муҳокама қилишни жуда хоҳлар эдим. Бугун бўлиб ўтган суҳбатлар шу маънода ғоят амалий ва мароқли бўлди, шу визитимизнинг моҳиятини тўла-тўкис тасдиқлади ва унинг мақсадларига олий даражада эришилганлигини қайд этиш имконини берди.

Икки томонлама соҳада бугунги суҳбатлар ҳамкорлик тўғрисидаги битимларга қўшимча омил бахш этиш учун янги йўллар очди. Мувозанатли ривожланиш учун конкрет имкониятлар мавжудлигини аниқладик ва шу муносабат билан барқарор ва мустаҳкам негизда ҳамкорликни узлуксиз ривожлантириш ниятини изҳор қилдик.

Иқтисодий муносабатларни ривожлантириш кўпроқ ишонч ва халқаро ҳамжиҳатлик ҳамда халқларнинг тинч тараққиёти шароитларини амалда белгилаш соҳасидаги куч-ғайратлар учун мустаҳкам асос яратишга бўлган ишончим ҳар қачонгидан ҳам кучайди, деди сўзини давом эттириб Б. Кракси. Италия ҳукумати тинчликнинг анчагина кенг истиқболини назарда тутиб, шу шароитларни қайта тиклашга кўмаклашишни ўз олдига аллақачон мақсад қилиб қўйган. Биз Шарқий Европанинг кўпгина мамлакатлари ҳукуматлари билан алоқа ва ҳамкорликни ривожлантирганимизда ҳамда сиёсий, социал ва иқтисодий системалардаги мавжуд тафовутлардан қатъий назар халқларни ўзаро яқинлаштиришга интилганимизда мана шуларга асосландик.

Тинчлик — принцип ва бурчдир. Шу боисдан ҳам ҳеч нарса унинг ўрнини ололмайди.

Минглаб кишилар кун сайин омон қолиш учун курашаётган бир пайтда қуролланиш пойгасини қайтадан бошлашни биз бемаънилик деб ҳисоблаймиз; биз ҳарбий устунлик принципини бутунлай рад қиламиз ва низоли масалаларни уруш ҳаракатлари йўли билан ҳал этиш воситасига мурожаат этишга қарши чиқамиз. Хавфсизлик шароитидаги тинчлик, ҳамма учун тинчлик, ҳар бир кишининг хавфсизлиги, мувозанатли ва назорат қилинадиган битимлар асосида кучларнинг имкони борича қуйи даражасидаги хавфсизлик бизнинг мақсадимиз бўлиб қолаверади. Биз Европада ва дунёда ёппасига қуролсизланишнинг босқичма-босқич ва мувозанатли жараёни шарт-шароити ва воситаси сифатида қурол-яроғлар устидан контроллик ўрнатилишига интилаяпмиз.

Биз шу йил 7—8 январдаги Совет — Америка аҳдномасини қўллаб-қувватлашимизни билдирдик, бу аҳднома, бизнинг фикримизча, ҳамжиҳатлик якуни бўлиб турли-туман манфаатлар ва энг муҳим мақсадлар бир жойдан чиққанлигининг мувозанатли нуқтасидир.

1985 йилда муҳим воқеаларнинг йиллиги: иккинчи жаҳон уруши — биз ҳеч қачон унута олмайдиган фожиа тугаган куннинг, БМТ тузилганлигининг қирқ йиллиги, шунингдек Хельсинки Якунловчи акти имзоланган куннинг ўн йиллиги нишонланмоқда.

Бирмунча ишончли, бирмунча барқарор ва хавф-хатар солинмайдиган тинчликни таъминлаш учун ёппасига зўр куч-ғайратлар сарфлаш бу муҳим саналарни нишонлашнинг энг яхши усули бўлур эди, деб ўйлайман. Бунинг учун Женевадаги музокаралар ижобий тарзда ривожланиши муҳимдир. Халқаро кескинликни юмшатиш ва турли географик районлардаги мавжуд танглик вазиятларини сиёсий воситалар билан ҳал этиш йўлларини қидириш соҳасида ялпи куч-ғайратлар сарфланиши мумкин.

Сўнгра Б. Кракси Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф этиш муаммоларига тўхталди.

Яқин Шарқда ҳам, шунингдек бошқа танглик вазиятларида ҳам, деди у, аҳволни сиёсий воситалар билан ҳал этиш йўлларини ташқаридан аралашмай, давлатларнинг сиёсий мустақиллигини, суверенитетини, территориал бутунлигини ва халқларнинг асосий ҳуқуқларини тўла ҳурмат қилиб, халқаро музокаралар орқали қидирмоқ керак.

Шунингдек биз мамлакатларимиз ўртасида шу мақсадда ижобий тарзда фойдаланиб келаётган сиёсий маслаҳатлашувлар усули турли поғоналарда янада ривожлантирилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Мана шундай ҳис-туйғулар билан бизга кўрсатилган иззат-икром учун яна бир бор ташаккур айтиб, шу ерда ҳозир бўлган барча кишиларга сиҳат-саломатлик тилайман.

* * *

М. С. Горбачев билан Б. Кракси нутқлари зўр эътибор бериб тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

## СССРДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Италия Министрлар Советининг Раиси Б. Кракси 30 май куни Совет Иттифоқидан жўнаб кетди. У совет раҳбарларининг таклифига биноан визит билан мамлакатимизга келган эди.

Москва аэропортида уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Б. Краксига ҳамроҳлик қилган Италия ташқи ишлар министри Ж. Андреотти ҳам у билан бирга жўнаб кетди.

(ТАСС).

# ИМКОНИЯТЛАР ТЎЛА ИШГА СОЛИНСИН

### ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ АПРЕЛЬ (1985 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ТАДБИРЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛМОҚДАЛАР

### ЎРТА ЧИРЧИҚ

Район меҳнаткашлари ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаряптилар. Беш йилликнинг ўтган даврида саноат корхоналарида йиллик маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўртача ҳажми 117 миллион сўмликни ташкил этди. Қурувчилар бу даврда 229 миллион сўмлик капитал маблағларни ўзлаштирдилар. Тошкент бройлер-паррандачилик фабрикасида 4,8 миллион бройлер парвариш қилинадиган қувватлар ишга туширилди. 2250 та квартира, 2424 ўринли 6 та мактаб, 1200 ўринли 6 та болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Қишлоқ хўжалик ходимлари асосий турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш бўйича беш йилликнинг тўрт йили планларини бажаришди. «Водиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси, республика қурилиш министрлигининг 21-механизациялашган кўчма колоннаси, 12-автобаза, Охунбобоев номли колхоз коллективлари план топшириқларини бажаришда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Район партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида ана шу ютуқлар қайд этилиши билан бир қаторда асосий диққат-эътибор ҳали фойдаланилмаётган имкониятларга, ишдаги нуқсон ва камчиликларга қаратилди. Пленумда доклад қилган район партия комитетининг биринчи секретари У. В. Муслимов, муҳокамаларда сўзга чиққан тажриба пахта тозалаш заводининг директори Н. Муҳаммаджонов, 21-механизациялашган кўчма колоннанинг бошлиғи И. П. Югай, тикувчилик фабрикасининг тикувчиси С. Солиева, «Промжилводстрой» тресты партия ташкилотининг секретари А. М. Трифонов ва бошқалар саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, хўжаликларда мавжуд қувватлардан ёмон фойдаланилаётганлигини, маҳсулот сифатига яхши эътибор берилмаслигини, коллективлардаги меҳнат интизоми ҳали шу куннинг талаби даражасида эмаслигини таъкидладилар.

«Иргидромаш» заводида мавжуд қувватларнинг фақат 30 процентидан, панелли уйсозлик комбинатида — 42, қурилиш конструкциялари комбинатида 58 процентидан фойдаланилмоқда, холос. Район корхоналарида ўттизга яқин турда маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Аммо улардан бирортасига давлат Сифат белгиси берилиши таъминланмаган.

Капитал қурилишдаги аҳвол жиддий ташвиш туғдирмоқда. Шу йилнинг тўрт ойи мобайнида район бўйича фондларни ишга тушириш плани 38 процент бажарилди, холос. Турар-жойлар, социал, маданий-маиший объектларни фойдаланишга топшириш планлари барбод қилинди.

Бу камчиликларнинг асосий сабабларидан бири меҳнат коллективларида интизом бўшаштириб юборилганлигидадир. Текширишлар район саноат корхоналарида фақат шу йилнинг биринчи кварталида 17 минг 924 марта ишга чиқмаслик ҳоллари рўй берганлигини кўрсатди. Бошқача қилиб айтганда бу саноат корхоналаридаги ҳар бир ишчи биринчи квартал мобайнида ўртача ҳисобда тўрт кун ишламади, деган гап. Бектемир пахта тозалаш, Тўйтепадаги маккажўхори саралаш заводларида иш вақти айниқса кўп йўқотилмоқда. Шунга қарамай бошланғич партия ташкилотлари бу масалага етарлича эътибор бермаяптилар.

Пленумда интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг энг катта резерви эканлигига характерли бир мисол келтирилди. «Труд» фабрикасида йил бошида ишчи-хизматчилар 25—30 минутлаб ишга кеч келишарди. Иш пайтида ҳам тартиб, интизом бўшаштириб юборилганди. Фабрика партия ташкилоти, жамоат ташкилотлари ва маъмурият қатъий чоралар кўргандан сўнг аҳволни ўнглашга муваффақ бўлинди. Бу ерда тўрт ойлик план барча кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарилди. Меҳнат унумдорлиги эса 2,5 процентга кўпайди.

Ичкиликбозлик ҳоллари ҳам ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатмоқда. «Иргидромаш», Тошкент темир-бетон буюмлари заводлари, «Промжилводстрой» тресты партия ташкилотлари ҳали ўз коллективларида ичкиликбозликка қарши муросасизлик муҳитини вужудга келтирганлари йўқ.

— Меҳнат интизоми бўшашиб кетганлиги, ичкиликбозлик оқибатида кейинги икки йил давомида планларни уддалай олмаяпмиз, — деди пленумда сўзга чиққан «КПСС XXVI съезди» паррандачилик фабрикасининг паррандабоқари Р. Хисамутдинова.— Шунинг учун биз партия ва ҳукуматимизнинг ичкиликбозлик ва алкоголизмни тугатиш тўғрисидаги қарорларини мамнуният билан кутиб олдик. Уларда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун маданий-оқартув ишларини яхши йўлга қўйиш керак. Аммо фабрикамизда бунга эътибор берилмаяпти. Бизда ҳатто дурустроқ кинотеатр ҳам йўқ. Фабрикамизнинг қуввати икки баравар ошганлигига қарамасдан бир неча йиллардан бери турар-жой қурилиши олиб борилмаяпти. Бу ишчиларнинг қўнимсизлигига сабаб бўлмоқда.

Пленумда қишлоқда маданий-оқартув ва спорт соғломлаштириш тадбирларини ўтказишга алоҳида эътибор бериш зарурлиги уқтириб ўтилди. Лекин К. Маркс номли, В. Терешкова номли колхозларда, Ангар қишлоқ Советида, Тошкент сув омборининг қурилиш-монтаж бошқармасида мавжуд клуб ва спорт майдонларидан меҳнаткашларнинг кўнгилли дам олишларини ташкил этиш учун ёмон фойдаланиляпти.

Аҳоли савдо, хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳаларидаги камчиликлар тўғрисида жиддий эътирозлар билдирмоқда. Фақат кейинги пайтнинг ўзида «Гуландом» универмагида, А. Икромов, Ўртасарой матлубот жамиятларига қарашли савдо ташкилотларида харидорлар ҳақига хиёнат қилиш ҳоллари содир бўлди.

Нотиқлар КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун барча имкониятларни ишга солиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Айниқса, республикамиз ишлаб чиқариш илғорларининг «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида бошлаб берган ватанпарварлик ташаббусларини кенг ёйиш зарур.

Пленумда область партия комитетининг секретари М. Қ. Қодиров нутқ сўзлади.

Пленум район XXXVI партия конференциясини 1985 йил 30 ноябрда чақиришга қарор қилди.

Э. ЭРНАЗАРОВ.

### МАҲАЛЛА КОМИТЕТЛАРИ ҲАЁТИДАН

# ЯНГИЛИККА МОЙИЛ «ЯНГИОБОД»

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Октябрь районидаги «Янгиобод» маҳалласининг исми жисмига монанд. Кўм-кўк ҳиёбонлар, ораста, равон кўчалар... Ҳаммадан ҳам 500 ўринли серфайз маҳалла клубини айтмайсизми?! Бу маданият ўчоғи бир кун ҳам бўш туриб қолмайди. Ҳар куни бирор тадбир — уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар, шонли саналарни нишонлаш, янги анъаналар ва урф-одатларни тарғиб этиш маросимлари ўтказилади. Бундай тадбирлар жуда жонли, қизиқарли бўлишининг бош сабабларидан бири ўртани олиб борувчидан тортиб сўзга чиқувчиларгача шу маҳалла аҳолиси эканлигидадир.

Бундай вазифа кўп ҳолларда маҳалла пири бадавлат кексаларидан бири Убайдулла ака Расуловга топширилади. Бу оилага кўпчилик ҳавас билан қарайди. Убайдулла аканинг ўғил-қизлари ҳаётда ўз ўрнини топишган. Катта ўғли Ўткир Расулов — партия ходими, Мадрид — савдо ходими, Ҳамидулла — инженер, Ҳабибулла — рассом, Дилором эса — инженер-технолог. Убайдулла ака кўп йиллар давомида «Совет мактаби» журналида меҳнат қилдилар. Ҳозир эса кексалик гаштини сурмоқдалар. Зайниддин ака Исамуҳамедовни ҳам маҳалла лектори бўлиб қолганига анча бўлди.

Маҳалланинг «Янгиобод» деб аталишида ҳам рамзий маъно бор. Бу ерда ҳар қандай янгилик биринчи бўлиб тарқалади: янги воқеалар ҳам, замонавий урф-одатлар ҳам. Зайниддин ака халқаро ҳаётда рўй берган муҳим воқеалар хусусида лекциялар ўқир экан, энг сўнгги хабарларни ҳам тингловчилар эътиборига ҳавола этади. Маҳалла комитетининг раиси Нуъмонжон Зияев эса янги анъаналарнинг тарғиботчиси.

Биз «Янгиобод»да бўлганимизда КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори аҳоли ўртасида қизғин муҳокама қилинаётган эди.

— 1931 йилда ФЗУни тугатиб темирйўлга ишга келдим, — дейди маҳалла комитетининг раиси Н. Зияев. — 40 йил тепловоз машинисти бўлиб ишладим. Ўз касбимдан, меҳнатимдан обрў-эътибор топдим. Тақдиримдан нолимайман, лекин ана шу ўтган давр мобайнида мен учратган ва ҳанузгача хотирамдан ўчмайдиган нохуш манзаралар ичкиликбозлик туфайли юзага келарди. Барча авариялар, жиноятлар ичкилик касофати туфайли рўй берарди. Кўплаб ажойиб темирйўлчиларни, қўли гул усталарни билардим. Ичкиликка юзтубан кетиши туфайли ишидан ҳам, оиласидан ҳам, ёру дўстларидан ҳам ажраб қолди улар. Шунинг учун ҳозир маҳаллада спиртли ичимликни истеъмол қилишга мойиллик билдираётганлар билан суҳбатлашаётганимизда арақ туфайли бугунинг, оиланг, эртанги кунинг, фарзандларингдан ажралиш мумкинлигини айтиб ўтамиз. Шунчаки, айтиб ўтамизгина эмас, бу нарса унинг қалбига етиб боришига эришамиз.

— Бир неча йилдан бери ўртоқлик судининг раисиман, — дея суҳбатга қўшилди Ҳамид Усмонов, — ўз кузатувларимдан шу нарса аёнки, бугунгача кўпчилик қилган айби, майда жиноятини «мастлик устида қилдим» деб араққа ағдаришга уринарди. Яқинда матбуотда эълон қилинган қарор ичкилик ичиш жиноят устига жиноят эканлигини белгилаб қўйди. Жуда қатъий ва одил қарор! Шу сабабдан ҳам тўйларимизни ичкиликсиз ўтказишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Бу тўй эгалари учун ҳам, маҳалла аҳли учун ҳам фойдадан холи эмас. Ахир, дабдабали тўйдан сўнг тунги тўс-тўполонга тушунтириш бериш учун турли ташкилотлар эшигига қатнаш кимга ёқади, дейсиз?!

Яқинда Шамсиддин ака Зайниддинов оиласида тўй бўлди. Шамсиддин ака бадиий буюмлар фабрикасида кўп йил самарали меҳнат қилиб обрў-эътибор топган кишилардан. Унинг қурувчи ўғли Шаҳобиддин уйланди. Маҳалла активлари тўйни соддалаштиришга, ичкилик қўймаслик ҳақида маслаҳат бердилар. «Ундай қилса тўй-тўйдек бўлмайди» деювчиларга яхши ибрат бўлди: кеча жуда ширин, файзли ўтди.

— Фарзандларимизни Совет Армияси сафига кузатишни ҳам ўз оталиғимизга олдик, — дейди уруш ветерани Маҳкам Мусаев. — Бундай тадбирлар ҳам ҳеч қандай ичкиликсиз ўтишини таъминлаш бизларга боғлиқ эканлигини англаган кунимизоқ бу ишга жиддий киришдик. Бугун бу янгилик қатъий, одат тусига кириб қолганидан ҳамма хурсанд.

«Янгиобод» маҳалла аҳли билан бўлган учрашув тугаб қолганида бу ерда яна бир янгилик тарқалди: райондаги «Илғор» ва «Ҳувайдо» маҳаллаларининг барча тўй ва маросимларни спиртли ичимликсиз ўтказиш ҳақидаги мурожаатига бу маҳалла биринчи бўлиб қўшилди.

М. ШАРИПОВА.



◆ Суратда: маҳалланинг бир гуруҳ уруш ва меҳнат ветеранлари.

